

## **Шериятда қўлланилган поэтонимланингр функционал семантик вазифалари**

**Ахмаджонов Нурбек Зокиржон ўғли,**

**(PhD) ўқитувчи**

**Фарғона давлат  
университети**

**Анатация:** Ушбу мақолада поэтонимларнинг шериятда қўлланишига оид айрим жиҳатлар таҳлил қилинган.

**Kalit so‘zlar:** Поэтоним, ономастика, поэтика, оним ономопоэтика.

Бугунги кунда атоқли номлар турли фан вакиллари: тилшуносляр, географлар, тарихчилар, этнографлар, психологлар, адабиётшуносляр томонидан ўрганилмоқда. Атоқли отларни ўрганиш муаммоси замонавий тилшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан биридир, чунки исмлар инсон ҳаётида ҳамда жамият тараққиётида мухим рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда инсонлар мулоқотининг турли соҳаларида атоқли отларни ва уларнинг функционал имкониятларини ўрганишда янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Бадиий матнларда бош қаҳрамон, адабий персонаж исми, ўринжой, асар ва маълум давр номлари атоқли отлар билан ифодаланади.

Поэтонимиканинг вазифаларига матн ва отнинг ўзаро боғлиқликларини, асар номинацияси тамойилларини ва бу жараёнга таъсир этувчи омилларни ўрганиш киради, улар поэтонимлар ва уларнинг тузилишида, отларнинг семантикаси ва стилистик хусусиятларида намоён бўлади. Ономастика адабиётида ономопоэтика атамаси кенг қўлланиб,

Поэтонимлар наср ва назмда қўлланишидаги ўзига хослиги ва характерлилиги билан айрим фарқларга эга. Поэтонимлар шеърий матнда, асосан, бадиий санъатларни ҳосил қилишда қўлланади. Насрий матнда қўлланган поэтонимлар эса, бадиий асарнинг бош ғояси билан боғлиқ бўлиб, мазкур ғояни таъкидлаш учун хизмат қиласи. Масалан, *Жалолиддин*

*Мангуберди, Алломииш, Тоҳир, Зухро* каби номлар шеърий матнда турли бадий санъатларни ҳосил қилишга хизмат қиласди.

Насрий матнда қўлланган *Мажнун* (У.Ҳамдам “Сабо ва Самандар”), *Мункар билан Накир* (М.Муҳаммад Дўст “Галатепага қайтиш”), *Напалеон* (У.Ҳамдам“ Муозанат”), каби номлар эса бутун асар мазмуни ва ғояси билан боғлиқ бўлиб, рамзий ишора қилиш вазифасини бажариб келади.

Қуйида шеъриятда қўлланган поэтонимларни энг характерли мисоллар орқали таҳлилга тортдик.

*Улуғ отдошларим мақоми юксак,  
Мен шогирд эрурман гарчанд аларга.  
Ҳар нечук, бир гапни айтмоғим керак:*

*Осон бўлмаган ҳеч Абдуллаларга* (А.Орипов “Ислам ҳақида”)

Шеърий матнда қўлланилган Абдулла прецедент номи аллюзивлик характерида бўлиб, шоир ушбу ном орқали Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний ва Абдулла Қаҳҳор каби ўзбек адабиётининг етук намояндадарига ишора қилган. Уларга отдош шогирд сифатида ушбу шахслар фаолиятидаги машшаққатларни ҳам эслатиб ўтган. Абдуллалар поэтоними воситасида юзага келган интертекстуаллик бадий матннинг экспрессивлигини оширишга хизмат қилган.

*Баҳодирлик ичра ёр Сизга Ҳумой,  
Сиз улуғ зотларнинг изин босган эр.  
Назмий саждагоҳда Сизга, ҳойнаҳой,  
И момликка ўтгай фақат Алишер* (А.Орипов “Алишер”)

Шоир Алишер антропонимидан фойдаланиш орқали буюк мутафаккир Алишер Навоий номи билан боғлиқ ассоциацияни ҳосил қилишга ҳаракат қилган. Бунда ҳазрат Навоийнинг туркий тил тараққиёти йўлидаги буюк ҳизматларига ишора мавжуд.

*Осмонларга учгим келур,  
Шоҳ Машрабни қучгим келур.*

## *Гўрўғлиниң Ғиротини*

*Менга беринг, менга беринг* (М.Юсуф “Менга беринг”)

Муҳаммад Юсуфнинг “Менга беринг” номли шеърида прецедент ном бўлган Гўрўғли антропоними ҳамда Ғирот зооними орқали ономастик метафора ҳосил қилинган. Хусусан, Гўрўғли оними халқ достонларида тинчлик ва фаровонлик учун курашган халқ қаҳрамони сифатида намоён бўлган. Бунда прецедент номларнинг лингвопоэтик функциясини кўриш мумкин.

### *Барчинойдек кутганинг қани?*

*Зардобу қон ютганинг қани,*

*Умр йўлида то юмгуңча қўз,*

*Бирга-бирга кетганинг қани?* (Миртемир “Сурат”)

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, поэтонимлар шерий ва насрый асарларда турли лингвопоэтик вазифаларда қўлланилади. Поэтонимлар бадиий матнни ёритишида муаллифнинг бадиий ғоявий ниятини номоён этишда муҳим ахамият касб этади. Шунингдек, поэтонимлар насрда қўлланишидаги ўзига хослиги билан характерланади.

### **Адабиётлар рўйхати**

- 1.Попов.С.А.Что такое ономастика?/ Ономастика России. Имена собственные в нашей жизни [Электронный ресурс, © Попов Сергей Александрович 2012-2017]. 2013. Режим доступа: <http://www.onomastika.ru/> (дата обращения- 15.11.2017).
- 2.Калинкин В.М. Поэтика собственных имен в произведениях романтического направления: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. Донецк, 1987. С. 211.
- 3.Зинин С.И. Литературная (поэтическая) ономастика. Классификация поэтонимов. // [www.planeta-imen.narod.ru](http://www.planeta-imen.narod.ru).

4. Н Ахмаджонов, А Рўзиматова. Фразеологизмлар немис халқи миллий маданиятининг қўзгусидир. o‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. УДК:40/42/48. IISS: 2181-3302. SJIF:4.621 2022. 08.20. 10-Son. Б.104-109

5. Axmadjonov Nurbek, Islomjonova Jasmina. Badiiy matnda allyuziv antroponimlarning xususiyatlari. Journal of advanced research and stability volume: 03 issue: 01 | jan - 2023 issn: 2181-2186

6. Ахмаджонов Н. Analysis of poetonyms used in poetry // International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 12, volume 104 published December 30, 2021 P. 509-512 Impact Factor: Philadelphia, USA ISRA (India) = 6.317 ISI (Dubai, UAE) = 1.582 GIF (Australia) = 0.564 JIF = 1.500 SIS (USA)= 0.912 РИНЦ (Russia) = 3.939 ESJI (KZ) = 9.035 SJIF (Morocco) = 7.184 ICV (Poland) = 6.630 PIF (India) = 1.940 IBI (India) = 4.260 OAJI (USA) = 0.350

7. Ахмаджонов Н. Analysis of poetonyms in prose works// International interdisciplinary research journal (girj) Volume 10, Issue 2, February, 2022 ISSN: 2347-6915 SJIF Impact Factor: 7.472 P. 487-490